

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Зарбдор тумани мактабгача

таълим бўлими мудирининг в.в.б.:

Р.Абдуллаев



“Жиззах вилояти Зарбдор тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли №9-сон ДМТТ биносини сантехника тармоғининг жорий таъмирлаш” бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТЎҒРИСИДА

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Давлат буюртмачиси:	Зарбдор тумани мактабгача таълим бўлими
2	Харид предмети:	Жиззах вилояти Зарбдор тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли №9-сон ДМТТ биносини сантехника тармоғининг жорий таъмирлаш
3	Танлашни ўтказиш шакли:	Электрон https://etender.uzex.uz/ сайтида, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларининг таклифларининг қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
4	Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шартлари:	90 468 326 (Тўқсон миллион тўрт юз олти минг саккиз минг уч юз йигирма олти) сўм (15% қўшимча қиймат солиғининг инобатга олиб)
5	Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати	Танлов натижаларидан сўнг, ҳолиб ташкилот аниқлангач, шартнома имзоланганидан сўнг 60 кундан ошиб кетмаслиги лозим.
6	Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

7	Тўлов шартлари:	шартнома кучга кирганидан сўнг <u>30</u> фоиз миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган <u>70</u> фоизи тўлаб берилади.
8	Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Электрон https://etender.uzex.uz/

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Анқабоев Ғайрат

тел.: 72-492-22-78 Манзили: Зарбдор туман Ойбек МФЙ Шифокорлар кўчаси

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ҳамда ўтказди ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

таклифларни таъминлаш учун 1% миқдорда закат маблағлари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги;

техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши қўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Дастлабки малака танловини баҳолаш мезонлари

Малакавий баҳолаш баҳолашнинг биринчи босқичи бўлиб иштирокчи томонидан тақдим этилган (бириктирилган) маълумотлар асосида баҳоланади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги	Мавжуд/мавжуд эмас (иштирокчининг тақдим этилган маълумотлар асосида баҳоланади)	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
2.	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлик	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
3.	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатлари	Ҳа/йўқ (иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади)	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

ИШТИРОКЧИЛАР ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК ВА НАРХ ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ

Таклифларни баҳолаш усули - Техник жиҳатдан баҳолашга: 80,0 балл / Нарх жиҳатдан баҳолашга: 20,0 балл) Техник талаблардан бирортаси бўйича “0” балл тўплаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади.

№	Мезон	Баҳолаш (балл)	Изоҳ
1	Талабгор иштирокчи ҳақида умумий маълумотлар	10	Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: 1. Корхонанинг тўлиқ номи, юридик манзили, ташкилий ҳуқуқий шакли, банк реквизитлари, СТИР; 2. Корхонанинг низоми ва гувоҳномаси; 3. Таъсисчилар тўғрисида тўлиқ маълумот; 4. Солиқ тўловчи шакли (ҚҚС тўловчи ёки йук); 5. Раҳбар тайинланганлик тўғрисида буйруқ;
2.	Молиявий барқарорлиги (охирги 3 йил)	20	Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: 1. Корхонанинг бухгалтерия баланси Форма№1 ва Форма№2 (охирги 3 йил); 2. Хизмат кўрсатувчи банкдан иштирокчининг банк кредитлар тўғрисида ва картотека мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
3.	Мехнат ресурслари билан таъминланганлик	20	Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: 1. Корхонанинг барча ишчи-ҳодимларининг рўйхати, лавозими, иш стажи, мутахассислиги ва тугаллаган ўқув муассасаси; Изоҳ: барча мехнат ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш учун (иштирокчи корхона электрон калити орқали) https://my.mehnat.uz/ сайтидан олинган маълумотларни бириктирилиши лозим;
4	Ишларни бажаришда асбоб ускуналар ва жихозларнинг мавжудлиги	10	Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: Барча асбоб ускуналар ва жихозларнинг рўйхати, сони, ҳолати, техник параметрлари, баланс қиймати(тақдим этилган маълумот иштирокчи корхонанинг бухгалтерия балансидаги асосий воситаларига мутоносиб бўлиши лозим)
5	Малака талаблари	20	Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: Танлов предметиға ўхшаш турдаги ишлар/хизматларни бажарганлик тўғрисида маълумот, итирокчи курилиш рейтинги. Изоҳ: Иштирокчининг охириги 3 йилда амалга оширган пудрат ишлари тўғрисида (шартномалар, далолатномалар,счёт фактуралар) маълумотлар бириктирилиши лозим;